

Ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашдаги янги тизим

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида"ги қарори лойихасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқ устуворлигининг ҳолатини рейтинг асосида баҳолаш мезонларини ижрочиларга етказиш туғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

Image not found or type unknown



Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Турманов очди ва олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмита раисининг ўринбосари Б.Матмуратов, Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Раҳманов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг илмий-таълим маркази бошлиғи Б.Исмоилов ва бошқалар сўзга чиқиб, қарор лойихаси бўйича батафсил маълумот бериб ўтдилар.

Image not found or type unknown



Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашда "HUQUQ USTUVORLIGI" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ижтимоий сўровлар шаклида ўтказилиши бўйича тафсилотлар йиғилишнинг асосий қисми бўлди.

Йиғилиш давомида қарор лойихаси ва унинг жорий этилиши бўйича фикр мулоҳазалар билдирилди.